

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «29» 7

40-1-22-MT/2022-сон

Пойтуг ш.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган "Избоскан туман мактабгача таълим бўлими" мудири Н.Кобилова бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Ботиробод тонги" МЧЖ номидан Низом асосида дирекори Ш.Исмоилов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича "Избоскан туман № 31 мактабгача таълим ташкилоти" обьектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

11. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил лот раками "22110012124639" электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 84 200 000.00 (Саксон турт миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлгандан;

3. Тегишли асослар мавжуд бўлгандан ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

Ш. Пудратчининг мажбуриятлари.

4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник наворат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. Ишларни бажариш муддати

6. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати **2022 йил 31 декабрь**.

7. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом эғиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30** фоизи микдорида аванс ўтказади, бу **25 260 000.00** (Йигирма беш миллион икки юз олтмиш минг) сўмни ташкил этади.

10. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳукукини ўзида саклаб қолади. Обьектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кафул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш озор қилинмайди.

VII. Ишларни бажариш

12. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

13. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукуқига эгадир.

14. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

15. Пудратчи ишларни бажариш лойихасида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлашибарилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

16. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

17. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва ётишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

18. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нуктлари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

19. Пудратчи геодезия нуктларига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамилари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

20. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

21. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуктларида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

22. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

23. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор киласди.

24. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

25. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчипари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш кийматини кўпайтирамасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

26. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

VIII. Ишларини қўриқлаш

27. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунча ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

28. Тикланган бино ва инишотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

29. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равиша узайтирилади.

30. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактта чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

31. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

32. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

XI. Кафолатлар

33. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофик бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдалангандан муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

34. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

35. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

36. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган даҳолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XII. Шартномани бекор килиш

37. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,
- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукуқига эга.

38. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандан;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукуқига эга.

39. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчи инг қўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

40. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

41. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордомонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

42. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

43. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбордомон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун хужжатларидан ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

44. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши тифайли етказилган зарарни қоплашдан озод этилмайди.

45. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчилклар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг холосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида Пудратчидан жарима ундириш хукуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур муддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-

мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.ё

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан бўлса ҳақиқий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши корак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

57. Мазкур шартнома туман ғазначилик булинмасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради.

XV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БУЮРТМАЧИ”

Номи: “Избоскан туман МТБ”
Манзил: Пойтуг шахар Накшбанд
куча
Ш/Х100022860032147091100251024
ИНН : 305158448 МФО ;92400
Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент
Х/Р 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН : 201122919
Индекс:17073
Тел: +998 99 602 00 79

Мудир:

Н.Қобилова



“ПУДРАТЧИ”

Номи: ”Ботиробод тонги “МЧЖ
Манзили: Избоскан туман Ботиробод
МФЙ , Ватанпарвар кучка 33 ўй
Банк номи: “Трастбанк” Андижон
филиали
Х/Р: 202080001006899510001
МФО: 01074 ИНН: 303 824 450
ОКНХ: 01074
Тел: +998 99 308 1206

Рахбар:

Ш.Исмоилов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN
XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ MT86278061

- 1. Loyiha turi –Shartnoma.**
- 2. Loyihaning nomi – Pudrat shartnomasi.**

Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana – Izboskan tuman Maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 28.07.2022-yilda ishlab chiqilgan.

Shartnoma loyihasi bilan tanishib chiqib quyidagicha xulosa qilaman:

**Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjalariiga muvofiq ishlab chiqilgan
va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.**

Izboskan tuman Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi Bosh yuriskonsulti



Sh.A.Tursunov

29.07.2022 yil.

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 124639 на приобретение Избоскан туман
31 ДМТТ ИСИТИШ ТИЗИМИ тамирлаш ишлари учун**

Способ проведения электронный

Дата 25.07.2022

Время рассмотрения 25.07.2022 18:05

Конкурсная комиссия Избоскан тумани мактабгача таълим бўлими (Марказлашган хисобхона), (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|------------------------------|-------------------------------------|----------------------|--------------------|
| Председатель комиссии | QOBILOVA NAZIRA KAMARIDINOVNA | Мудира | Избоскан туман МТБ |
| Секретарь комиссии | QAMBAROVA RA'NOXON ISXAKJONOVNA | Шуба мудири | Избоскан МТБ |
| Член комиссии | XOJIMURODOVA NIGORAXON MUTALLIBOVNA | Шартнома мутахасиси | Избоскан туман МТБ |
| Член комиссии | MAXMUDOVA GULCHEXRA BAXODIROVNA | БОШ ХИСОБЧИ | Избоскан МТБ |
| Член комиссии | REJABOV SAYFULLO SHAXOBJONOVICH | мухандис | Избоскан туман МТБ |
| Член комиссии | MAMADINOV MADAMINJON JAMOLDINOVICH | ЭКСПЛУАТАЦИЯ РАХБАРИ | Избоскан МТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.07.2022 года № лота 124639.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|--------------------------------------|---|
| Наименование товара (работы, услуги) | Услуга по капитальному ремонту здания котельной (системы отопления помещения) |
| Подробное описание | ИСИТИШ ТИЗИМИ ВА КОЗОНЛАРИ ТАЪМИРИ УЧУН |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 84 861 493.00 |
| Стартовая сумма | 84 861 493.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 2. Нохолис таъминотчилар руйхатида йуклиги тугрисидаги маълумотларни тулик тақдим этиш

Тип: Текстовое значение

Описание: ДСИдан карздорлиги йуклиги тугрида маълумот,банк маълумотлари тугрисида маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Andijon Beton | 20 | Таклиф | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Quruvchi MCHj | | | | | | |
| BOTIROBOD TONGI MCHJ | 20 | 84200000 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №2 Таъмирлаш ишларини белиланган муддатларда топшириш, белгилаган ишларни тулик бажариш,курилиш иншоотни урганганилик маълумоти (офёрта)

Тип: Текстовое значение

Описание: Таъмирлаш ишларини белиланган муддатларда топшириш, белгилаган ишларни тулик бажариш,курилиш иншоотни урганганилик маълумоти (офёрта)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 25 | Таклиф | 20 | Экспертная | | |
| BOTIROBOD TONGI MCHJ | 25 | 84200000 | 24 | Экспертная | | |

Критерий №3 Курилиш корхонасининг гувохномаси, низоми, гувохномаси,

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш корхонасининг гувохномаси, низоми, гувохномаси,

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 15 | Таклиф | 14 | Экспертная | | |
| BOTIROBOD TONGI MCHJ | 15 | 84200000 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ишчи ходимлар ва техник воситалари Танлов хужжатлари тулик электрон холда жойлаштириш тал этилди.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов хужжатлари тулик электрон холда жойлаштириш талаб этилди.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 20 | Таклиф | 18 | Экспертная | | |
| BOTIROBOD TONGI MCHJ | 20 | 84200000 | 20 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом | Применение преференции | Общее значение | Дата предложения | Оценка стоимости |
|------------------------|-----------------|--------------------|----------------|------------------------|----------------|------------------|------------------|
| | | | | | | | |

| | | | конвертации (UZS) | | (UZS) | | (балл) |
|-----------------------------|---------------|-------------------|----------------------|-------|---------------|---------------------|--------|
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 84 861 493.00 | 84 861 493.00 UZS | 84 861 493.00 | 00.00 | 84 861 493.00 | 23.07.2022 00:02:35 | 19.84 |
| BOTIROBOD TONGI MCHJ | 84 861 493.00 | 84 200 000.00 UZS | 84 200 000.00 | 00.00 | 84 200 000.00 | 23.07.2022 11:32:22 | 20.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|-----------------------------|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| Andijon Beton Quruvchi MCHj | 72 | 19.84 | 91.84 |
| BOTIROBOD TONGI MCHJ | 79 | 20 | 99 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 124639 от 25.07.2022 года на приобретение Избоскан туман 31 ДМТТ ИСИТИШ ТИЗИМИ тамирлаш ишлари учун определила победителем:

BOTIROBOD TONGI MCHJ
303824450

и резервный исполнитель: Andijon Beton Quruvchi MCHj (301349229)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|-----------------------|-------------------------------------|-------------|-------------|
| Председатель комиссии | QOBILOVA NAZIRA KAMARIDINOVNA | Согласен | |
| Член комиссии | REJABOV SAYFULLO SHAXOBJONOVICH | Согласен | |
| Член комиссии | XOJIMURODOVA NIGORAXON MUTALLIBOVNA | Согласен | |
| Член комиссии | MAXMUDOVA GULCHEXRA BAXODIROVNA | Согласен | |
| Член комиссии | MAMADINOV MADAMINJON JAMOLDINOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП